

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

508 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари
жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-
тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори-
га қўшимча киритиш ҳақида

Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маб-
лағлар ажратишни тартибга солиш, улардан фойдаланиш самарадорлигини
ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан
ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тад-
бирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига 1-иловага (Ўзбе-
кистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) қуйидаги мазмундаги
32-банд қўшилсин:

32.	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, карто- графия ва давлат кадастри давлат қўмитаси («Ергеодез- кадастр» давлат қўмитаси)	Ердан хўжасизлик билан фойдаланилганлиги ёхуд у ишдан чиқарилганлиги, хўжалик ички ер тузиш лойи- ҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқилганлиги, давлат ер кадастрини юритиш қоидалари бузилган- лиги, чегараловчи ва чекловчи белгилар йўқ қилин- ганлиги ёки шикастланганлиги учун Ўзбекистон Рес- публикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ солинадиган жарималар суммаси	40
-----	---	--	----

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий
ҳужжатлар ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-
публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига
юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 8 октябръ,
283-сон